

Қирқ қурбат мақомини қозонинг



06:30 / 07.04.2023 1693

Энди сиз вақтингизнинг тартибю жадвалини қилиб олинг. Қай тарзда бу ойни ўтказиш керак? Қанча ишларни ортга суриш имкони бўлса, ортга суриб туринг. Рўзани тутиш ва таровеҳни, иншааллоҳ, адо қилиш керак. Таровеҳ борасида ҳазрати Доктор Абдулҳай Орифий қуддиса сирруху жуда ёқимли сўзларни айтар эдилар: «Таровеҳ намози жуда ажойиб ибодат бўлиб, у орқали Аллоҳ таоло инсонга ҳар куни оддий кунларга қараганда кўпроқ қурбат мақомларини ато қилади. Таровеҳнинг йигирма ракати бор, уларда қирқ марта сажда қилинади. Ҳар сажда Аллоҳ таолога қурбатнинг энг олий мақоми бўлиб, ундан кўра олийроқ бошқа бирор мақом йўқ. Қачонки, инсон Аллоҳ таолога сажда қилиб азиз пешонасини ерга қўйса ва тилида «Субҳана роббиял-аъла» лафзларини айтса, мана шу илоҳий қурбатнинг энг олий мақоми бўлади. Бу мақом бошқа бирор ҳолатда насиб бўлмайди».

«Рамазонни қандай ўтказамиз?» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/2234-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.